

ТУРА БЎРИЕВ

СЕНИ
ХАЁЛЛАРДАН
ИЗЛАДИМ

ҲИКОЯЛАР

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2008

Бугун насрда қалам тебратаётганлар номининг борлиги ҳамда, унинг ижодига қизиқиш ва ижодқор ҳикояларидаги инсоний кечинмалар китобхон халқига унинг ҳаётида нафис туйғуларнинг ҳам ўзига хос ўрни борлигини эслата олиши билан кўнгилар тубидан жой олади. Ижодқорнинг мазкур тўпلامдан жой олган ҳикояларини ўқир экансиз, инсоннинг ботиний оламига ошно бўла оладиган сирли кечинмалар сизни-да бефарқ қолдирмайди.

Ушбу китобни чоп этишда муассислик қилган Қарши шаҳрилик тадбиркор Тожи БАХТИЕВга муаллиф чуқур миннатдорчилик изҳор этади.

ISBN 978-9943-08-247-2

© Тўра Бўриев «Сени хаёллардан изладим». «Янги аср авлоди», 2008 йил

КЕЧАЛАР СОКИН

У рўзгор юмушларидан бўшаб, тун ярмидан оққанда ўрнига чўзилган бўлса-да, ҳа деганда кўзига уйқу илинмади. Вужуди ҳазин бир ҳорфинлиқдан эзилган, бу ҳол унинг хаёлларини аллақаёқларгадир олиб кетди. Дунёнинг ишларига ақли етмай, ожизлик қилаётганидан ўкинди. Тақдирнинг ўзига раво кўрган битигига кўникиб яшаётган бўлса-да, баъзида қалбининг тубида кул босиб ётган аллақандай бевош ўйлар илқис бош кўтариб, сабр-бардошига чанг солаётгандай туюлди. Ана шундай лаҳзаларда Яратганнинг измига бўйсуниб, унинг карамидан умидвор ўтаётган кунларига зиён етишидан беҳос чўчигандек таҳликага тушиб қолади. Шу тахлит юракни кемирувчи тийиқсиз ўйлар толиқдирдими, ё уйқу элитдими, ҳар қалай кўзи илинган экан чоғи, бир маҳал увлашгами, инграшгами ўхшаган ғайриоддий товущдан уйғониб кетди. Бошини кўтариб, атрофга аланг-жалаңг кўз ташлади. Киприкларида илиниб қолган уйқудан воз кечишга уринаркан, мудроқ идроқини шундоққина ёнида ётган қизининг шикаста овози банд этди. Қизчаси кўрпани устидан юлқиб ташлашга уриниб типирчиллаганча уввос тортиб йиғларди. Шу аснода нариги хонадан эрининг уйқу аралаш бўғиқ овози эшитилди:

— Неча марта айтдим сенга шу дардисарни онангникига ташлаб кел, деб. Қанақа гап уқмас, гумроҳ хотинсан...

Қизининг устига кўрпани тортиб, уни овунтираркан, ҳар куни эшитавериб, қулоғига ўрнашиб қолган бу гап кўнглига қаттиқ ботсада ранжимади, қайтага шу топда ҳам эрига раҳми келгандек қия очиқ эшиқдан у ётган хона ичкари-сига кўз ташлаб, хўрсиниб қўйди. Шу хўрсиниш ортида қарийб бир йилдан бери тўшакка миҳланиб ётган эрига, унинг кундан-кунга сўниб бораётган ёш умрига ачиниш

ва яна қанчадан-қанча нохуш кечинмалар мужассам эди. «Шу бечорага ҳам қийин, — ўйларди у, — айни кучга тўлиб, ўйнаб куладиган ёшида уззукун шифтга тикилиб, беҳол ётибди. Ёзиғи шу эканми нима бўлди-ю дупша-дуруст ишлаб юрган одам жигар хасталигига чалиниб, тўшаққа михланиб қолди. Аввалига ҳоли етгунча у бу ишга куйманиб, кириб-чиқиб юрди. Бахт ҳам, бахтсизлик ҳам қўша келади деганлари рост экан. Бир хасталик етмагандек яна аллақадан дард ёпишди. Бедаво дард соя солган ранглар юзидан қон қочиб, бир дардига яна бир дард қўшилди.

...Қизининг хархашаси ҳарқалай узоққа чўзилмади, кафти билан пешонасини бир-икки силаганди, у яна уйқуга кетди. Лекин ўзи ортиқ ухлолмади. Кўзини юмди деганча хаёлига алланечук таҳдидли ўйлар бостириб кела бошлади. У бир амаллаб кун кечириш илинжида елиб югуриш, супирсидир ва бемор эрига қараш билан бир маромда кечаётган ҳаётдан сиқила бошлаган эди. Унинг ҳаётда бирдан-бир овунчоғи, дардига малҳам бўладиган шу қизи эдию лекин у ҳам кўпинча ким биландир руҳий яқинликка ташна дилига ором бера олмасди. Уй деб аталмиш шу тўрт девор ичида кўнглига таскин берадиган, қалбини завққа тўлдирадиган ҳеч вақо йўқлиги унинг қалбини тирнарди. Ана шу зерикарли ҳаёт боис дилини мутгасил кемириб келаётган ваҳимали ўйлар исканжасида кунлари бесамар ва мутлақо мазмунсиз кечаётганлигидан, шусиз ҳам сўник руҳи баттар эзиларди. Ғам-ғуссага тўлиқ қалбида йилт этгулик ёғдудан нишона йўқдек эди. Бундай мудҳиш ўйлардан унинг дили бениҳоя ўртанар, баъзан эса ана шундай маҳзун хаёлларни тўзғитиб юбориш ва ўзини аёвсиз изтироблар исканжасидан халос этишга ҳарчанд уринмасин, буни кўпинча эплай олмай вужудига оғриқ сезар, дарди дунёси қоронғу бир ҳолда хастаҳол кун ўтказарди. Лекин бундай инсон умрига зомин бўлувчи оғир изтироблар аёлнинг гулдек чиройига раҳна сололмасди. Қайтага юзига ғам соя ташлаб, ички бир ғашлиқдан ингичка қошлари хиёл чимирилган, мудом мулойим порлаб турувчи кўзлари маъюс сузилган лаҳзаларда ҳусни янада тиниқлашарди. У кўпинча хаёлга чўмганча дилгир бир кайфиятда юрарди. Биров билан сўзлашишни кўнгли тусамай қолган кезларда унинг аҳвол-руҳиятига ил-

кис назар солган зеҳнли одам бу дилбар жувоннинг мана шу дилтанг ва совуқ хонадонда, яшашни ейиш-ичишу бир амаллаб вақт ўтказишдан иборат деб тушунувчи тор фикрли одамлар орасида ҳеч вақт бахтли бўла олмаслигини англаб етиши қийин эмасди. Умуман, таъмагирлик, моддий манфаатлар ва сийқа, нурсиз фикрлар ҳукм сурадиган жойда чинакам эҳтиросли одамнинг яшаши қийин кечади.

У ана шу ваҳимали ўй-хаёллардан қутулиш умидида бе-мажол туриб чироқни ёқди. Дармонсиз оёқларини беҳол судраганча бурчакдаги тошойна қаршисига бордида, самбитдек қоматига ўзи ҳам маҳлиё бўлганча бирров ороланди. Ойнадаги йигирма етти ёшлар чамасидаги бутун қиёфасида улуғвор бир гўзаллик барқ уриб турган хушсурат жувон тикилиб турарди. Чарчоқдан, уйқусизликдан синиққан руҳиятига ҳорғинлик соя ташлаб турсада, оқ-сарикқа мойил тиниқ чехрасида майин жозиба жилоланар, чаросдек чақнаб, ишвали боқиб турган кўзлар қалби муҳаббатга ташна ҳар қандай одамни жон таслим этишга мажбур қила оларди. Жувон бошини икки ёнига ноз аралаш тебратиб силкитган эди, қоп-қора, майин сочлари тўлқиндай ёйилиб, ярим яланғоч елкаларига тўкилди. Чекка сочлари паришон тўзғиб, ҳусни янада ортгандек бўлди. Бедорлик қалқиб турган кўзлари хумор сузилди. Кибргами, ғурургами ўхшаш ҳислар оғушида ўзини томоша қиларкан, қалбини ўзи ҳам даъфатан англаб етмаган ҳислар банд этди ва шу баробарида дуркун вужудига бир майин, бир ёқимли туйғулар оқиб киргандек бўлди. Қўлларини икки ёнига хиёл кўтарганча нозланиб керишаркан, тунги кўйлаги ёқаларидан тошиб чиққан бўлиқ оппоқ сийналари баттарроқ таранглашди. Бутун вужудини ботиний ҳислар чуллаган шу дилхуш лаҳзада дилида чуқур зориқиш туйди. Шу топда негадир бир-икки кўча нарида яшовчи, қайсидир ташкилотда бош муҳандис бўлиб ишловчи Муҳиддин ака дабдурустан лоп этиб эсига тушганидан, очиги, ўзи ҳам ҳайрон қолди. Ойнадаги ўз аксига тикилган кўйи сархуш хаёлларга берилди. Ёши қайтиб қолганлигига қарамай мудом дид билан кийиниб, ораста юрадиган, бошқаларга ўхшамайдиган бу одамнинг қиёфасида беҳад олижаноблик балқиб турардики, у билан суҳбатда бўлган ҳар қандай аёлни беихтиёр назокат

туйғуси қамраб оларди. Вужуди эҳтиросга тўла ёш, дилбар жувонни ром этадиган, ўзига нисбатан севги уйғотадиган ҳамма эркакларда бўлгани каби унинг ҳам бутун қиёфасида мардона ўктамлик ва сирли виқор акс этиб турарди. Кўча-куйда ёҳуд тўй-томошаларда тасодифан тўқнаш келганда унинг бош эгиб, назокатла саломлашиши ва ўзига ўқтин-ўқтин ғалатиноқ тикилиши илкис хаёлидан ўтди. Қизик, ўшанда неғадир ўзи ҳам кутилмаган тарзда ғалати ҳолатга тушар, кейинроқ эса шубҳалари ноўрин эканлигига ўзини ишонтиришга уринар, аммо шундай кезде ҳам қалбини туйқус қоплаган ҳаяжон бунга монеълик қилаётганини тан олмай иложи йўқ эди. Ўша кезларда бунга унчалик эътибор бермаган бўлсада, неғадир ҳозир ўша сирли боқишларга ўзича маъно бериб, майин энтиқди. Шу топда унинг қиёфасига разм солган киши хушбичим юзи лолодек қизариб, кўзлари ширин эҳтиросдан порлаб кетганини кўриши қийин эмасди. У шу чоққача ўзини ҳар жиҳатдан мукамал санаб юрсада, ҳозирги ҳолатини мушоҳада эта туриб, ўзинингда заиф томони борлигига, жила курса бўлиши мумкинлигига ишонди. Ўзидаги бу ғайриоддий ҳолат ихтиёридан ташқарида юз бераётганини ҳам сезиб турарди.

У чироқни хушламайгина ўчираркан, худди шу пайт нариги хонадан беҳол инграган товуш эшитилгандай бўлди ва сергакланди. Тунги бедорликдан лоҳасланган вужудига майин титроқ кирди. Тўшақда бир ҳолатда ётган эрининг забун аҳволи кўз олдига келдию беҳаё ўйларга эрк бериб, оғир қабоҳатга йўл қўйганлигини англади ва шу қилиб турган ишидан ўзи уялиб кетди. Ҳавойи ҳислар вужудини тарк этиб, ҳуши ўзига қайтиши билан хаёлини яна маҳзун, оғриқли ўйлар эгаллади. У шаҳд бурилиб, эри ётган хонага ошиқди. Лекин каравотга яқин бориб, туриб қолди. Аёл ҳар галгидек эрининг кўзига тик қарашга журъат этмади. Ҳайиқди. Кундан-кун сўлиб бораётган заҳил юзига, бўртиб чиққан ёноқ суякларига кўзи тушиши билан кўнгли алланечук бўлиб кетди. Бўғзига нимадир тиқилгандай бўлди, ҳалигина эҳтиросдан порлаб турган кўзлари намланди. Назарида эрининг кўз косаси катталлашиб, хираллашиб, сўник нигоҳида ҳаёт тугаб бораётгандай туюлди. Бақрайганича кишига илтижоли боқувчи бу кўзларга ботиниб қарашга юраги бетламади.

Қизик, айна шу топда неғадир икковининг тўй кечаси билан боғлиқ хотиралар хаёл уммонида қалқиб чиқиб, эрининг башанг кийиниб, куёвжўралар қуршовида очилиб-сочилиб ўтиргани кўз олдига келди. Эри опшоқ кўйлак ус-тидан тим қора костюм кийиб, митти гулли бўйинбоғ ҳам боғлаб олганди. Одатда, сал тўмтайиб, қовоқ солиб юради-ган эри дўстларининг қистови билан ичгани бир-икки қулгум ичимлик таъсириданми хиёл заҳилроқ кўринадиган чўзин-чоқ юзига қизиллик югуриб, бутун кеча давомида хушҳол кайфиятда ўтирди. Ҳатто у томонга энгашиб, қулоғига ал-ланималар деб шивирлаган бўлар, лекин шундоққина ён томонда, тут дарахти айрисига ўрнатилган радиокарнайдан таралаётган шўх мусиқа садоси ва қўшиқ оҳангига монанд эшилиб рақс тушаётган ёш-ялангларнинг шовқини остида эрининг гапларини аниқ илғаб ололмаса-да, бош ирғаб маъ-қуллаб кўярди...

У эрининг елкаси аралаш оғир-оғир нафас олиб, ҳаёти-га човут солаётган бедаво дарддан азоб чекишини куза-тишга ортиқ бардоши чидамай, бемаҳалда кишини ютиб юборгудек оғир сукунатдан юраги ҳаприқиб хонани бема-жол тарк этди. Ланг очиқ эшиқдан бўсаға этагида тўшалиб турган нимранг шуълани босиб даҳлизга чиқаркан қизчаси ухлаётган хона томон икки қадам босиб таққа тўхтади. Шу топда сира ётгиси келмаётганини ҳис қилди. Унсизгина юриб ойнаванд айвонга чиқди. Эҳтиёткорлик билан равон деразаларидан бирини очиб юборди. Тун бағрида тентираб юрган шабада ёпирилиб келиб, бўйни аралаш кўкракларини майин сийпалаб ўтди. Тунги кўйлаги ёқасидан сирғалиб кириб, бутун вужудига ёйилди. Танаси яйради. Ҳовлининг кунгай бурчакларида унган майсалар орасида, куртаклари бўртиб, тўлишиб қолган навдаларда мудраётган ёқимли ҳид-лар тўзғиб келиб димоғига урилди. Юрагини сирқиратган нохуш ҳислар чекиниб, вужуди енгил тортгандай бўлди. Тун илиқ, бунинг устига бағоят гўзал ва сокин эди. У ло-жувард осмонда сирли жимирлаётган юлдузлар чаманига суқланиб боқди. Ногаҳонда яна чиройли кийиниб юради-ган ва муҳаббатга тўла кўзлари майин илтижо билан бо-қувчи Муҳиддин аканинг улугвор қиёфаси хаёлини банд этди. Ва шу аснода ўзида илгари ҳеч қачон туймаган боти-

ний бир зориқишдан кўнгли бир хил бўлиб кетди. Жисми-жонига оқиб кириб, ўзига умрини гофилликда ўтказаётганини англаган бу туйғулар унинг қалбига ажиб ҳузур-ҳаловат бағишламоқда эди. Яна айна дамда шунча бирга яшаб, қалбида эрига нисбатан бирор марта ҳам шундай ҳисни туймаганига ноилож иқрорликни туйди. Кўнглини банд этган ширин хаёллар ва фусункор тун таъсирида туйғулари шу даражада жунбишга келдики, у ўзи ҳаёт ва тирлик деб билган нарса юрагининг қайси бир бурчида яшириниб ётган эҳтиросларни поймол қилиб келаётганини ва ўзини-ўзи алдаб яшаётганини ногаҳон пайқаб қолди. Пайқадую офир изтироб бўлиб юрагини эзиб келаётган армонлар ҳозир кучли бир нолага айланиб, ичидан отилиб чиққанча нафасини бўғаётганга ўхшади.

«Одам дунёга нима учун келади ўзи, — дея ўйларди у дилини ўртаётган нохуш ҳислар таъсирида, — кўнгидагидай яшай олмаса, ўтаётган ҳаётининг ҳеч бир маънисини бўлмасми?!».

Лекин шу лаҳзада мудроқ шуурида ўзга бир тушунча ҳам даъфатан галаён кўтара бошлади. Бу ёшлигидан ҳаётда кўриб, англаб, қон-қонига сингиб кетган тақдир ёзуғига тобелик тушунчаси эди. У ёниқ эҳтироссиз ҳам ўзаро ҳурмат асосида қурилган аксар оилалар бинойидек яшаб келаётганини яхши биларди. Шу топда дилини баравар забт этган ана шу икки қарама-қарши туйғу орасидаги аросат қийнардиги уни.

Тоғ этагини қоплаган нимранг туман мисол оқариб келаётган осмон тарҳида боғ тўридаги бўйчан тераклар учи қорайиб кўринди. Бу тонг яқинлигидан нишона эди. Аёл шу топда ўзи учун ягона сирдош фусункор туннинг умри тугаб бораётганидан ўксинди. Муҳаббатнинг оташ оғушига ташна вужуди ўт-олов бўлиб ёнаётган ёш жувон сирларини тунга айтмай кимга айтсин...

— Наргиз, — эрининг товушидан чўчиб ўзига келди. Назарида унинг овозида ҳамшишагидек шикаста оҳанг сезилмади. Хонага деярли отилиб кирди. Чироқни ёқди. Эри бошини ёстикдан кўтариб, ўнг тирсагига таянганча унга қараб турарди. Даҳлиз бурчагида деворга тироғлик лаганни келтириб каравот яқинига қўяркан, эрининг юзига разм солди.

Яхши ухлаб, тиниқиб уйғонгани учунми, назарида эрининг озгин юзига қизиллик югуриб, кўзларида умидбахш нур ўйнаётгандай кўринди. У дераза тоқчасидан балдоғининг бир томони узилиб тушгани учун қалин ип билан чаңдиб боғланган тунука чойнакни олдида сув келтиргани ташқарига йўналди. Қоронғулик боғнинг хилват бурчакларига чекина бошлаган, тонг ёришиб келарди. Илк кўклам тонгининг кўнгилини орзиқтирувчи латофатиданми ё эрининг аҳволи руҳиятида ўзгариш сезгани учунми ҳар қалай беихтиёр дили равшан тортди. Тунни деярли бедор ўтказиб, бевош ўйлар измида ҳар хил хаёлларга боргани учун ўзидан ранжигандек бўлди. Равон деразасини зичлаб ёпди. Уйқусизликдан толиққанига қарамай янги кунни шодон қарши оларкан, кўнгли ёришиб, лаблари беихтиёр шивирлади:

— Тақдирнинг бизга ҳам асраб қўйган шодумон кунлари бордир, ахир. Яратганнинг кўзи ўнг бўлсин, илоҳим...



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/1735> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1735> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/1735>